



2020 йил

**“Иқтисод” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган**

## **МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

### **I. Умумий қоидалар**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларини педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

“Иқтисод” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

### **II. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар**

**Педагог кадрлар қуйидаги йўналишларда билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:**

– олий таълим давлат таълим стандарти, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;

– олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни билиш;

– бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини ўзлаштириш;
- ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асосларини билиш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш кўникмасига эга бўлиш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш малакаларига эга бўлиш;
- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;
- чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асосларини ўзлаштириш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда қўллаш малакасига эга бўлиш;
- талабаларда танқидий фикрлашни шакллантира олиш кўникмасига эга бўлиш;
- бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш малакасига эга бўлиш;
- талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- талабаларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш малакасига эга бўлиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни билиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш;
- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

**Олий таълим муассасалари педагог кадрлари қуйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:**

**Ҳуқуқий компетентлик** - таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш, локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

**Касбий компетентлик** – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари,

педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва гурухий интервью) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллаш олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; таълим олувчилар билан ўқув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек, бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қўллаш.

**Информацион компетентлик** - педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустақил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўқув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

**Коммуникатив компетентлик** - таълим жараёнида самарали мулоқотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар, ходимлар билан мулоқот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиклик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдимотларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

### **III. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг тасдиқланган Намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим муассасалари педагог кадрларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **III.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш**

##### **Педагог кадрлар:**

– Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизими (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), университет кредитларини ўтказишнинг Осиё-тинч океани тизими (UCTS) кредит тизими хусусиятларини;

– кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини;

– кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминотини тайёрлаш тамойилларини;

– кредит тизими асосида таълим натижаларини баҳолаш усулларини;

– таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмунини;

– таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларини;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмунини;

– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмунини;

– Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талабларни, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойилларини, ўқув юкلامаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини **билиши** керак;

– кедит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш;

– кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш;

– кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва силлабусни яратиш;

– кредит-модуль тизимида таълим натижаларини (Блум таксономияси асосида) лойиҳалаш, билим даражаларини белгилаш ва таълим натижаларини баҳолаш;

– педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш;

– таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкиллаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан такомиллаштириш;

– ўқув юкلامаларни режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.

– кредит-модуль тизимида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;

– 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

– Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

## **III.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

### **Педагог кадрлар:**

– Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари мазмуни ва моҳиятини;

– Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асосларини;

– илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини;

– илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари, инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш усулларини;

– олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси мазмунини;

– замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви, фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими компонентларини;

– халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари, илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп этириш тартибларини;

– педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш усулларини **билиши** керак.

– Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари асосида инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш;

– олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

– фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

– ўз-ўзининг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш;

– халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги журналларда илмий мақолаларни чоп этиш;

– педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.

– Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари асосида ўз-ўзининг илмий-педагогик ва инновацион фаолиятини олиб бориш;

– олий таълим муассасаларида «Университет 3.0» концепцияси асосида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш;

– ўз-ўзининг тадқиқотчи сифатида ривожлантириш;

– Scopus, ScienceDirect, Web of Science халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги журналларда илмий мақолаларни чоп этиш ва ўз илмий фаоллигини такомиллаштириш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **Ш.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

#### **Педагог кадрлар:**

– профессионал ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни;

– педагогнинг компетентлиги ва креативлиги сифатларини;

– касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмунини;

– таълим жараёнини модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлари;

– ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикасини;

– талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.)ни;

– талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари;

– Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятларини **билиши** керак.

– касбий профессионаллиги ва инновацион фаолиятини намоён этиш;

– таълим жараёнида модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувларни қўллаб, таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш;

– ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш;

– талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва

креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.)дан фойдаланиш;

- талабаларнинг мустақил ишларини замонавий шакллар асосида ташкил этиш;

- Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) усулларидан фойдаланиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.

- касбий профессионалиги ва инновацион фаолиятини ташкиллаштириш;

- таълим жараёнида модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлардан самарали фойдаланиш;

- ўқув машғулотларини замонавий турлари (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) асосида ташкиллаштириш;

- талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.)дан фойдаланиш, ўқув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш;

- талабаларнинг мустақил ишларини замонавий шакллар асосида бошқариш;

- Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) усуллари асосида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **Ш.4. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

##### **Педагог кадрлар:**

- рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятларини;

- «Электрон университет» ва унинг хусусиятларини;

- масофавий таълим платформаларини;

- таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш усул ва воситаларини;

- булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш воситаларини;

- мультимедиали интерактив ўқув-услугий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш тамойилларини;

- QR-код усулини;

- педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларини **билиши** керак.

- таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш;

- «Электрон университет» концепциясини амалга ошириш;
- вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш;
- масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш;
- таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;
- мультимедиали интерактив ўқув-услугий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш;
- QR-коддан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom», «булутли технологиялар», QR-код технологияларидан фойдаланиб, таълим жараёнларини такомиллаштириш;
- таълим жараёнини масофавий таълим платформалари асосида ташкиллаштириш;
- булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш;
- мультимедиали интерактив ўқув-услугий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш;
- педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан самарали фойдаланиб, таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **Ш.5. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

#### **Педагог кадрлар:**

- махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўрганиш хусусиятларини;
- касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан **билиши** керак;
- e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш);
- электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш;
- кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар (Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-ҳунар ва ишбилармонлик. Оммавий



ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари) ҳақида гариб бериш;

- резюме тўлдириш, маданий хордиқ, телефонда суҳбат этиш;
- саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.

- ўз фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш;
- инглиз тили грамматика ва лексикасини коммуникатив мақсадларда фойдаланиш;

- инглиз тили асосида ўз илмий-педагогик фаолиятини ташкиллаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш;

- хорижий мутахассислар билан мулоқот этиш;
- соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **Ш.6. Мутахассислик фанлари**

#### **Педагог кадрлар:**

- рақобатлашган бозор ва уни давлат томонидан тартибга солиш оқибатларини;

- монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитини;

- жуфт чизигли регрессияни ва кўп омилли регрессия моделини;

- Гаусс-Марков теоремасини;

- вақтли қаторлар тузиш, уларни стационарликка текшириш ва моделлаштиришни;

- макроиқтисодий сиёсатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни, мақсади ва вазифаларини;

- макроиқтисодий сиёсат шакллари ва уларни такомиллашуви йўналишларини;

- пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётининг инқирози ва уни чуқурлашуви босқичларини;

- рақамли иқтисодиётнинг институтционал таркибини;

- рақамли иқтисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишларини;

- бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг замонавий тизимларини;

- янги маҳсулотлар ва бозорларни ҳисобга олишни;

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг концептуал асосларини;

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таҳлилини;

- аудит стандартларининг асосий таркибий қисмларини;

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш босқичларини;

- рақобат устунлиги тушунчасини;

- банк рисклари тушунчаси ва унинг таснифланишини;

- фоиз рискени бошқаришда қарор қабул қилиш бўйича жаҳон тажрибасини;
- мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топишини;
- Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексини;
- меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситаларини;
- персонални бошқаришнинг ҳозирги замон инновацион йўналишларини;
- кадрларни бошқаришдаги замонавий тенденциялар ва хорижий тажрибаларни;
- рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамиятини
- кадрларни ўқитиш ва ривожлантириш элементларини баҳолаш;
- кадрлар менежменти функцияларининг рақобат ва глобализация таъсирида ўзгаришини таҳлил қилиш;
- халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдони;
- жаҳон иқтисодиётида энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ўсиб бориши сабабларини;
- хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифини;
- жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражасини;
- корхонада маркетинг фаолиятини режалаштиришни бошқаришни;
- маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари ва босқичларини;
- стратегия яратишда миссия, мақсадлар, стратегиялар бирлигини;
- бошқарув назарияси ва амалиётида инновацияларнинг ўрнини;
- компания дивиденд сиёсатини;
- корпоратив бошқарув тизими, тамойиллари ва унга таъсир этувчи омилларни;
- давлат молияси ва уни бошқариш амалиёти, замонавий йўналишлари ҳамда янгиликларини;
- молиявий ресурсларни самарали жойлаштириш учун лозим бўлган инструментларни;
- солиққа тортишнинг умумий, хусусий ва замонавий назарияларини;
- солиқ маъмурчилигининг замонавий усулларини;
- миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойилларини;
- ташқи дунё билан алоқаларини характерлайдиган товар ва хизматлар ҳисобламасини тузишнинг ўзига хос хусусиятларини;
- Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожланиш истиқболлари ва тенденцияларини;
- Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболларини;
- иқтисодиётни ривожланишини таъминлашда давлат бюджетининг даромадларининг тутган ўрни ва аҳамиятини;

- бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросининг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини;
- мулк қийматини мақсадли баҳолашнинг хусусиятларини;
- мулк қийматини баҳолашнинг миллий ва халқаро стандартларини;
- Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларини;
- давлат инвестиция сиёсатини тартибга солиш йўналишлари ва тамойилларини;
- замонавий бизнес таҳлилнинг таркибий тузилишини;
- бизнес-таҳлили усулларини амалиётда қўллашда фойдаланиладиган дастурий воситаларини;
- Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболларини;
- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этишнинг хусусиятларини **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- монопол ҳокимият манбаларини таҳлил қилиш;
- монополистик рақобат бозор самарадорлигини баҳолаш;
- корреляция коэффициентининг ишончилигини текширишда t-фойдаланиш;
- тренд ва мавсумийликни аниқлаш;
- барқарор иқтисодий ривожланиш стратегиясини таъминлашнинг ички ва ташқи омилларини баҳолаш;
- давлат харажатлари ва уни оптималлаштириш;
- Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш;
- рақамли иқтисодиётда электрон тижорат моделларини фарқлай олиш;
- зарарсизлик нуқтасини аниқлаш;
- молиявий ҳисоботни компиляция ва трансформация қилиш;
- халқаро аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- аудитнинг ҳисобот ва махсус стандартларини фарқлаш;
- кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инновацион технологияларни жорий қилиш;
- банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига таъсирини аниқлаш;
- монетар сиёсатнинг анъанавий инструментлари ва уларнинг амал қилиш механизминини тадқиқ қилиш;
- божхона божлари давлатларнинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи омили сифатида баҳоланиши;
- божхона сиёсати билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ўрганиш;
- янги иш жойларини ташкил этиш йўналишларини баҳолаш;
- персонални касбга йўналтириш ва жой-жойига қўйиш;

- жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда замонавий тамойиллар ва назарий асосларни баҳолаш;
- ташқи савдони эркинлаштириш ва жаҳон савдосида протекционизм сиёсатига баҳо бериш;
- халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш;
- бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тез ўзгаришини баҳолаш;
- корхона бозор таклифини табақалаштириш;
- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;
- стратегия яратишда турли хил ёндошувларни таҳлил қилиш;
- соҳа ва рақобат таҳлилларини умумлаштириш ва баҳолаш;
- корпоратив бошқарув тамойиллари механизмини шакллантириш учун қулай шароитларни ишлаб чиқиш;
- давлат улуши мавжуд корхоналарда корпоратив бошқарувнинг хусусиятларини ўрганиш, корпоратив бошқарувда хорижий тажрибаларни қўллаш;
- давлат бюджети маблағларини тақсимлаш инструментларидан фойдаланиш;
- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва инновацион тараққиёти қонуниятларини билишга таяниб, молиявий жараёнларни таҳлил қилиш;
- солиққа тортиладиган объект ва солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш;
- солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ ҳисоботни тўлдириш ва электрон тақдим этиш;
- миллий ҳисоблар тизими ва ундаги асосий гуруҳлар ва таснифлашлар: иқтисодиёт секторлари, иқтисодиёт тармоқлари, товар ва хизматлар, иқтисодий операцияларни гуруҳлаш;
- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта компаниялари фаолиятининг таҳлил қилиш;
- суғуртада замонавий технологияларини қўллаш;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан фойдаланиш;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобини юритиш;
- мулк қийматини баҳолашнинг миллий стандартларидаги ўзгаришларни амалиётга қўллаш;
- мулк бозори ва мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорини тизимли таҳлил қилиш, улар ривожланишининг замонавий тенденциялари ва концепцияларини илмий баҳолаш;
- иқтисодий вазифаларни ҳал этишда тармоқ орқали маълумотлар узатиш жараёнини ташкил этиш;
- Ўзбекистонда худудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш;

- бизнес-таҳлилда қиёслаш, баланс, занжирли алмаштириш;
- бизнес-таҳлилнинг автоматлаштирилган инфор­мацион тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- бюджет ғазна ижроси механизми асосида дастлабки ва жорий назоратни ташкил этилиши;
- бюджет харажатлари ғазна ижроси ва назоратини амалга ошириш каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

**Тингловчи:**

- олигополик бозор мувозанати фарқлаш;
- Курно мувозанати ва келишувни тадқиқ қилиш;
- тренд ва мавсумийлик усулларидан эконо­метрик моделлар тизимида фойдаланиш;
- аҳолининг ўрта табақасини шаклланиши ва камбағалликни камай­тириш;
- таркибий сиёсатни амалга оширишнинг фаол ва нофаол моделлари ро­лини баҳолаш;
- инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ва шакллари­ни аниқлаш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни асослаш;
- харажатлар ҳисоби ва бошқарув ҳисоби тизимларининг хулқ-атвори, ташкилий ва ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилиш;
- маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумнинг таҳлил қилиш;
- аудитнинг халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиш;
- инновацион риск турларини баҳолаш;
- харажатларни камай­тириш орқали рақобат устунликга эришиш стратегиясини баҳолаш;
- тижорат банклари фаолиятида фоиз рис­ки ва уни бошқариш усуллари;
- Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш омилини баҳолаш;
- товар моддий бойликлари ва транспорт воситаларини рас­мийлаштиришнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш;
- божхона назорати учун талаб қилинадиган ҳужжатлар микдорини камай­тириш масалаларини баён қилиш;
- меҳнат бозорини ривожлантириш концепцияси ва унинг стратегик мақсадларини таҳлил қилиш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тоифаларига квоталаштирилган иш жойларини ташкил этиш;
- билимлар менежменти стратегияларининг компонентлари ва уларни шакллантиришдаги ёндашувларни таҳлил қилиш;
- кадрлар заҳирасини режалаштириш;
- халқаро корпорацияларнинг ўзлари ва вужудга келган мамлакатлар учун яратаётган муаммоларини таҳлил қилиш;

- ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг молия-кредит сиёсати механизмларини амалга ошириш;
- жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш;
- постиндустриал мамлакатлар иқтисодиётининг таркибий тузилиши таҳлил қилиш;
- маркетинг тизимини яратиш;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг умумий жараёнларини таҳлил қилиш;
- стратегик муҳитни ва стратегик вазиятни ўрнатиш;
- оптимал бошқарув структурасини татбиқ этиш;
- стратегик муҳитни ва стратегик вазиятни ўрнатиш;
- оптимал бошқарув структурасини татбиқ этиш;
- компания дивиденд сиёсатини бошқариш ва тартибга солиш;
- компания сиёсатини белгилаш;
- давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш;
- молия йўналишида инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимидан фойдаланиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш;
- солиққа тортиш тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- аграр соҳада хўжалик юритиш шаклларининг фаолияти самарадорлигини оширишни статистик ўрганиш;
- аграр соҳада хўжалик юритиш самарадорлиги динамикасининг статистик таҳлил қилиш;
- суғурта соҳасида инновацион технологияларни шакллантириш ва татбиқ қилишда иқтисодий қонунлар ва илмий тушунчаларни ишлатиш;
- суғуртада замонавий технологияларни қўллашда махсус компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва ҳаражатлари ғазна ижросини назорат қилиш;
- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этиш;
- баҳолаш фаолиятини юритиш ва мулк қийматини бошқариш соҳаларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш;
- мулк ва унинг адолатли қиймати тўғрисидаги мультифандан баҳолаш ва қийматни бошқариш фаолиятларини амалга ошириш;
- тармоқнинг аппарат-дастурий ва технологик асосларини қўллаш;
- тармоқ хавфсизлигини таъминлай олиш;
- бизнес-таҳлилни стратегик аспектларини аниқлаш;
- бизнес-таҳлилни ташкил этишда корхонанинг тармоқ хусусияти, фаолият кўлами, рақобатдаги ўрни каби жиҳатларини ҳисобга олиш;
- бюджет даромадлари ва ҳаражатларини динамик таҳлил қилишда иқтисодий моделларни қўллаш;

- бюджетлар ўртасида муносабатларни тартибга солинишини фазначилик механизми қўлланишини билишга *оид малакаларга эга бўлиши зарур.*

**Тингловчи:**

- нарх бўйича лидерликни эгаллаш;
- Штакелберг ва Бертран моделини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш;
- гетероскедастлик ва автокорреляция мавжуд бўлганда стандарт хатоларни аниқлаш;
- Ўзбекистон ва халқаро молия институтлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини таъминлаш йўллари кўрсатиш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш;
- фаолиятнинг нотижорат сегментини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳисобнинг усуллари ва унинг элементларини хужжатлаштириш ва инвентаризациялаш;
- консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва таҳлил этиш;
- корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини аудит қилиш;
- SWOT ва PEST таҳлилинини бизнес стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида қўллаш;
- бизнесни юритишда рискларни ўлчаш ва оптимал қарорлар қабул қилиш;
- халқаро кредитларнинг ҳаракатини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини баҳолаш;
- Манделл-Флеминг модели асосида фискал ва пул-кредит сиёсати оптималлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси, ҳудудий божхона бошқармалари, божхонанинг ички ва ташқи иқтисодий фаолият масканлари фаолиятини баҳолаш;
- инвестиция сиёсатини такомиллаштириш бўйича хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- меҳнат бозорида ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- кадрлар маркетинги тадқиқоти босқичларини амалиётга жалб этиш;
- кадрларни ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш;
- ахборотларни қайта ишлаш тартибини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда АҚШ ва Хитой моделларининг хусусиятларини фарқлаш;
- Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилиши ва ривожланиши бўйича илмий хулосалар бериш;
- хорижий мамлакатлар иқтисодиёти иқтисодий муносабатлари соҳасига оид илмий семинарларни ўтказиш ва маслаҳатларни бериш;
- Ўзбекистоннинг янги индустриал мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари таҳлил қилиш;

- корхонада маркетингни бошқаришда стратегик матрицалардан фойдаланишни амалга ошириш;
- халқаро кампанияларнинг рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланиш;
- стратегик бошқаришда қарорларни оқилона ишлаб чиқиш ва фойдаланиш йўллари аниқлаш;
- олий таълим муассаларида инновацион менежментни қўллашда ўзаро ҳамкорликка таъсир кўрсатиш;
- стратегик бошқаришда қарорларни оқилона ишлаб чиқиш ва фойдаланиш йўллари аниқлаш;
- Ўзбекистонда рақамли иқтисодий ривожлантириш
- корпоратив бошқарув хусусиятларини ўзида мужассамлаштириш ва мутахассисларини ўқитиш жараёнида назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- эконометрик таҳлиллار асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- молиявий сектор муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, молия тизимини инновацион ва стратегик ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиш;
- давлат қарзи назарияси бўйича мустақил ёндошувларини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолаш;
- республикада солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда амалда қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;
- аграр соҳада хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини статистик баҳолашни ўтказиш;
- аграр соҳада хўжалик юритиш самарадорлиги динамикасининг статистик таҳлилинини ўтказиш;
- ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини таркибий тузилишини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда суғурта хизматларини кенг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омилларни таҳлил қилиш;
- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этиш;
- давлат бюджетининг ғазна ижросининг халқаро амалиётдаги илғор тажрибалари имкониятларидан фойдаланишда давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига жорий этиш;
- мулк қийматини баҳолаш ва хулоса бериш;
- мулк қийматини баҳолаб бошқариш моделларини тузиш ва улар ёрдамида қийматни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бериш ҳамда



иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

- макроиқтисодий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- стайкхолдерлар ёндашуви ва барқарор ривожланиш бўйича ҳисоботни шакллантириш;

- бизнес-таҳлилнинг автоматлаштирилган информацион тизимлари дастурий таъминотини ривожлантириш;

- давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳаси бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

- давлат бюджетининг ғазна ижросининг халқаро амалиётдаги илғор тажрибалари имкониятларидан фойдаланишда давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига жорий этиш каби *компетенцияларга эга бўлиши зарур.*

#### IV. Яқуний қоида

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети ректори

К.Шарипов

2020 йил “ \_\_\_ ”

